



Маҳалла

ШАНБА

2014 йил 22 февраль,
№17 (984)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ МАМЛАКАТНИНГ КЕЛАЖАГИ БУЮҚДИР

Давлатимиз раҳбари Исмоил Каримов ташаббуси билан 2014 йилнинг мамлакатимизда Соғлом бола йили деб эълон қилиниши жамоатчилигимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланди.

Жорий йилнинг 19 февраль кuni Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлом бола йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Шунинг билан айтаётганимиз мумкин, бу мустақиллигимизнинг илк қўлларидан жисмонан соғлом ва маънан етук баркамол авлод тарбиялаш устувор вазифа этиб белгиланган ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатининг мантисини давоми бўлди. Она ва бола, Ёшлар, Баркамол авлод, Оила ва бошқа номлар билан аталган йилларда амалга оширилган ишлар халқимизнинг эзгу орзуси бўлган соғлом бола тарбиялашдек олижаноб мақсадга ҳамоҳангдир. Ҳеч шубҳасиз, ҳар биримиз фарзандларимизни соғлом ва ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг бахт-саодати, ёрғ келажагини кўришни ниҳат қиламиз.

Утган даврда кенг миқёси ва теран мазмунли улкан ишлар, мамлакатимиз ва жамиятимиз тараққиёти учун гоят муҳим аҳамият касб этувчи вазифаларни бажаришга йўналтирилган қатор умумий миллий дастурлар, биринчи навбатда, «Соғлом она — соғлом бола» дастури амалга оширилди. Фарзандларимиз ва халқимиз бахти учун, келажагимиз учун қилинаётган бу эзгу ишлар изчиллик билан давом этиб, тобора кенгайиб бораётгани, юксак самаралар бераётгани қувончлидир.

Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислох этиш доирасида юқори самарадорлиги бутун дунёда эътироф этилган она ва бола соғлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели шакллантирилди. Иختисослаштирилган тиббий марказлари, соғлиқни сақлаш тизимининг бирлашган бўғинлари, шу жумладан, қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникаларнинг кенг тармоғи яратилгани натижасида аҳоли, авваломбор қишлоқ жойлардаги оналар ва болаларнинг

малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятлари кенгайди.

Сўнгги ўн йилда даволаш-профилактика муассасаларини модернизация қилиш ва энг замонавий ускуналар билан жиҳозлаш учун 750 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ йўналтирилди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда оналар ўлими 3,1 баробар, гўдоқлар ўлими 3,2 баробар камайди. «Она ва бола скрининги» дастури амалга оширилиши натижасида тўғма нуқсонли болалар туғилиши 2000 йилдан буён 1,8 марта камайди. Бугунги кунда мамлакатимиз болаларининг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади. «Save the children» халқаро ташкилоти рейтингига кўра, Ўзбекистон дунёдаги болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп гамхўрлик кўрсатадиган ўн та мамлакат қаторидан жой олди.

Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш умумий миллий давлат дастурининг амалга оширилиши самаралари мамлакатимизда баркамол авлоднинг тарбиялашга қаратилган улкан эътиборнинг аққол тасдиғидир. Маълумки, Ўзбекистонда 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилган, унинг сифати халқроқ талабларга жавоб беради. 2004 йилдан буён умумтаълим мактабларини қуриш, моддий-техник базасини яхшилаш ва жиҳозлаш учун жами 2,8 триллион сўмдан ортиқ, болалар муқофаси ва санъат мактабларига 2009 йилдан буён 488 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Спорт мамлакатимизда баркамол авлоднинг тарбиялашнинг ажралмас таркибий қисмига айланган. Уни болалар ва ўсмирлар, айниқса, қизлар ўртасида омаллаштириш, соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш бўйича ноёб тизим яратилди.

Нафақат шаҳарларда, балки энг олис туманларда ҳам замонавий спорт комплекслари барпо этилди. 2003-2013 йилларда 1816 спорт объекти ишга туширилди, бу болаларни оммавий тарзда спорт билан мунтазам шугулланишга ва уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда икки миллионга яқин бола, шу жумладан, 842 минг қизлар 30 дан ортиқ спорт тури билан мунтазам шугулланмоқда.

Мамлакатимизда маънавият ва маърифатни юксалтиришга, болаларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қатъий эътибор қаратилмоқда.


Шу билан бир қаторда ҳаётнинг ўзи олдимизга соғлом авлоднинг тарбиялашдек муҳим соҳада янги вазифаларни қўймоқда. Масалан, профилактика ишлари даражаси ва тиббий хизматлар сифатини, айниқса, қишлоқ жойларда янада ошириш билан боғлиқ масалалар ҳамон долзарб бўлиб турибди. Ниҳоятда ўтувчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш сифатини янада яхшилаш, кўриқни амалга оширувчи мутахассислар масъулиятини кучайтириш лозим. Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, оила институтини мустаҳкамлаш ишлари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Айни пайтда соғлиқни сақлаш тизимига болаларнинг соғлигини таъминлашдек улкан масъулият юкланган. Шу муносабат билан жорий йилда соҳанинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, авваломбор, она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш билан шугулланувчи тиббий муассасаларини энг замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, малакали кадрлар билан таъминлашга эътибор янада кучайтирилди.

Албатта, соғлом болани тарбиялашда аҳолининг тиббий маданияти ҳам муҳим ўрин тутаяди, бу масала ҳануз долзарблигига қолмоқда.

(Давоми 2-бетда).

БУГУННИНГ ГАПИ



Юксак маънавиятли, мустақил ва эркин ёшлар — юрт иқболи, келажагидир

Дунёда давлат ва жамият салоҳиятини, мамлакат қудратини белгиловчи омиллар бисёр. Бироқ уларнинг ҳеч бири шу юртда камол топмаётган, юксак маънавиятли, жисмонан соғлом, ҳар томонлама баркамол авлод билан тенглаша олмайди. Шу боис Юртбошимиз томонидан ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

■ Хулоёр МАМАТОВ,
юридик фанлари доктори.

Ватанимиз келажаги, халқимизнинг эртанги кунини, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб обрў-эътиборга эга бўлиши фарзандларнинг таълим-тарбиясига, қандай шаклланиб ҳаётга кириб боришига боғлиқ экани инобат олиниб, ушбу эзгу мақсадлар давлат сиёсатининг энг усту-

вор йўналишлари этиб белгиланди.

Бундай соғий-ҳаракатлар самараси ўлароқ, айни пайтда мамлакатимизда ёшлар сиёсатига доир ислохотлар юритилаётган ва унинг мустаҳкам ҳуқуқий асосларига эга. Мазкур сиёсат Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда соҳага тегишли 22 та қонунда ўз ифодасини топган. Яна бир жиҳат — мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг қабул қилинган дастлабки қонун ҳужжатларидан бири — 1991 йил 20

ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонун экани қатъий маънога эга. Қолаверса, Президентимизнинг қатор фармон ва қарорлари ҳам ўсиб келаётган ёш авлодини миллий ва умуминсоний қадриятлар, миллий истиқлол гоёси, ўз Ватани ва халқига меҳр-муҳаббат ва содқат руҳида тарбиялашга, уни ҳар томонлама — жисмонан, маънан ва руҳан баркамол этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган. Айни пайтда мазкур соҳага оид қўллаб-қувватловчи давлат дастурларининг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани ҳам муваффақиятлар омили бўлмоқда.

> [2]

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Вазифалар ижроси, фаолият такомили — даврнинг талаби

Бугунги кунда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари жамиятининг халқчил тизими сифатида ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик бир нечта вазифаларни самарали ўздалаб келаятир. Сўнгги икки йил ичиде соҳага доир қўллаб қонун ҳужжатлари қабул қилиниши натижасида уларнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари янада такомиллашиб, вазифалари кўлами кенгайди.

Шу билан биргаликда, фуқаролар йиғинлари фаолиятини такомиллаштириш борасида бир қанча долзарб вазифалар борки, уларга ўз вақтида ечим топиш бугунги кун талабидир. Ҳўш, қабул қилинаётган норматив-ҳуқу-

қий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ва уларни амалиётга қўллаш бўйича йўл-йўриқлардан юртимиздаги 9756 та фуқаролар йиғинида фаолият юртайётган 40 минг нафарга яқин маҳалла ходимлари қанчалик хабардор? Соҳа ходимларига кўрсатилаётган услубий-амалий ёрдам қўламини қандай?

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилиги ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда ташкил этилган давра суҳбатиде шу каби саволларга атрофлича жавоб берилди.

модели» нечоғли тўғри ва ҳаётий экани амалда исботланиб, дунё ҳамжамияти томонидан ривожланишнинг янги шакли сифатида эътироф этилди.

Демократик ислохотларни рўёбга чиқариш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоялаш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиги ва ҳуқуқий онги ҳамда маданиятини юксалтириш, шунингдек, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган фуқаролик жамияти институтлари изчил ривожлантирилмоқда. Табиийки, улар орасида маҳалланинг алоҳида ўрни бор.

Муҳтарам Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асариде: «Азалдан ўзбек маҳаллалари чинакам миллий қадриятлар маскани бўлиб келди. Узро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тоғувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож кимсалар ҳолидан хабар

олиш, етим-есирларнинг бошини силлаш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар, авваломбор, маҳалла муҳитида шаклланиган ва ривожланган», дея таъкидлайдилар.

Дарҳақиқат, асрлар ўтса-да, маҳалла ноёб ижтимоий тузилма, жамият ҳаётининг муҳим бир бўлаги сифатида ўз хусусиятларини сақлаб келмоқда. Бугунги кунда маҳалла институти дунё халқлари томонидан халқимизнинг миллий ва маънавий қадриятлар маскани, мақсад ва интилишлари ифодаси, доимий турмуш тарзи, деб тан олинмоқда. Зеро, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш тизимини такомиллаштириш фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

(Давоми 3-бетда).

МУЛҚДОР ОИЛА

Ҳамёнбоп ва харидоргир маҳсулот

Мамлакатимизда фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятини кенг йўл очилгани сабабли бугунги кунда соҳа изчил ривожланиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, айниқса, оилавий тадбиркорлар сони ошиб бормоқда.

■ Зебинисо ҲАЙИТОВА
«Mahalla»

Хусусан, Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги «Қорасарой» маҳалласида яшовчи Хотам Ҳафизов ҳам йиғин фаоллари қўмағида мебелсозлик цехини очди. Тадбиркор дастлаб оиласининг 6 нафар аъзоси билан кичик ҳажмдаги уй жиҳозларини ясай бошлади. Кейинчалик 20 тдан зиёд замонавий дастгоҳлар ўрнатиб, ишлаб чиқариш ҳажми ва кўламини кенгайттирди. Натижда 8 нафар маҳалладошлари ҳам ишли қилди.



■ Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

> [3]

МАҲАЛЛАМИЗ ИФТИХОРИЛАРИ

Нодир қобилият, ўткир зеҳн, юксак эътироф

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги «Мустақилликнинг 10 йиллиги» маҳалласида саккиз ёшидаёқ бутун дунёга танилган шахматчи Нодирбек Абдусатторов истиқомат қилади.

■ Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

Олти ёшида спорт усталигига номзодлик талабларини бажарган Нодирбек ҳозирда тўққизга тўлди. У қобилияти ва ўткир зеҳни, тинимсиз меҳнату интилишлари билан 6 ёшида Республика чемпиониликни қўлга киритди. Шундан сўнг шахмат майдониде ёш Нодирбекнинг зафарли юришлари дунёни лол қолдира бошлади. 2011 йил Фи-

липинда ўтказилган болалар ўртасидаги Осиё чемпионида 3-ўринни, тезкор шахмат бўйича эса 2-ўринни эгаллади. Худди шу йилнинг ноябрида Санкт-Петербургда 8-10 ёшли болалар ўртасида ўтган халқаро турнирда 1-ўринни олди. 2011 йил декабрь ойида эса Нодирбек Ҳиндистонда ўтказилган мактаб ўқувчилари ўртасидаги Осиё чемпионида ҳам биринчи ўринни қўлга киритиб, ўзбекистонлик болаларнинг нақадар қобилиятли эканлигини яна бир бор дунёга намоён қилди.



> [4]



Светлана ОРТИКОВА,
Олий Мажлиси Сенатининг
Қонунчилиги ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси:

— Истиқлол йилларида мамлакатимизда мислсиз ютуқлар қўлга киритилди. Тараққиётнинг «ўзбек



МАҲАЛЛАМИЗ ИФТИХОРЛАРИ

Нодир қобилият, ўткир зеҳн, юксак эътироф

< [1]

— Оиламида барчамиз шахматга қизиқамиз, — дейди унинг онаси Марзия Очилова. — Катта ўғлим Охунжон ва қизим Баҳора دادаси билан шахмат ўйнаганда Нодирбек ҳали жуда кичкина бўлишига қарамастан уларнинг ёнида ўйинни кузатишдан осло зерикмас, ўзи ҳам бир нималарни мушоҳада қилиб ўтирарди. Уч-тўрт ёшидан эса шахмат ўйнай бошлади. Ваҳоланки, унга ҳали ҳеч ким бунни ўргатмаган эди. Ундаги қизиқишни сезиб шахмат тўғрисида олиб бордим. Мураббий ўғлимдаги қобилиятни кўриб, у билан олоҳида шуғуллана бошлади. Биз ҳам Нодирбекко шариоит яратиб беришга астойдил киришдик.

Ўтган йилнинг ноябрь ойида Словенияда 8 ёшгача бўлган болалар ўртасида ўтган жаҳон чемпионатида Н.Абдусатторов яна бир бор ўз тенгдошлари ўртасида дунёда тенгсиз эканлигини намойиш этди — шахмат бўйича жаҳон чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди.

Эътироф этиш жоизки, дунёнинг 126 мамлакатидан қарийб 2600 нафар спортчи иштирок этган мазкур жаҳон чемпионатида голибликни



■ Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

кўлга киритиш саккиз ёшли бола учун катта муваффақиятдир. Бунинг замирида мамлакатимизда болалар спортга қаратилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлиқнинг самараси мужассам.

Ҳозирда ушбу шахматчилар оиласида навбатдаги мусобақаларга тайёрларлик авж палласида. Икки қарра Осие чемпионатида ва Жаҳон чемпионатида кумуш медалларга сазовор бўлган Баҳора Абдусатторова энди Ҳиндистонда ўтайдиган жаҳон чемпионатида иштирок этади.

Дарвоқе, 2011 йили пойтахтимизга ташриф буюрган амалдаги жаҳон чемпиони, Ҳиндистонлик Вишванатан Ананд юртимизнинг ёш ва умидли шахматчиларининг маҳоратини кўрган эди. Бахслардан сўнг Ананд журналистларга берган интервьюсида: «Мен ҳозиргина юртингизнинг ёш шахматчилари билан дона сурдим. Бу ерда кимлар билан ўйнадим, кимларни ютдим билмадим, аммо уларнинг орасида олти ёшли энг кичик шахматчи бола мени кўп ўйлашга, жиддий мушоҳада юритишга мажбур қилди», деган эътирофи Нодирбек Абдусатторов ҳақида эди.

Ёш шахматчи 2012 йилда Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ устаси номига сазовор бўлди.



«Фукусима»да яна муаммо

Япониянинг «Фукусима» АЭС компания-оператори ишдан чиққан станциясида юз тонна радиоактив сув сизиб чиққани хусусида баёнот берган.



«Reuters»нинг хабарига кўра, оқова бузилган реакторлардан бирини совутиш учун фойдаланиладиган сув сақланувчи резервуардан чиққан. Бундай жойдаги сувнинг бета-радиация даражаси хар литрда 230 миллион беккерелини ташкил этади.

АЭС оператори сизиб чиққан сув билан радиоактив сув микдори жуда озлигини билдирган.

Қурғоқчилик азияти

АҚШнинг Калифорния штати ҳукумати минтақада юзга келган қурғоқчиликни баратараф этиш режасини ишлаб чиқди.



Уни амалга ошириш учун 687 миллион доллар зарур.

Маблаънинг асосий қисми (549 млн.) сув ресурсларини сақлаш, ундан иккинчи марта фойдаланишни йўлга қўйишга сарфланади. Бунда ёмғир сувларини йиғиш ва ерости сувлари захирасини тўлдириб қўзда тутилади. Шунингдек, 25,3 млн. доллар озик-овқат кўришидаги ижтимоий ҳимояга ажратилади.

Штат сўнги 4 асрда кузатилаётган энг оғир қурғоқчиликни бошдан кечириб келган.

Интернет материаллари асосида М.ЖУРАҚУЛОВ тайёрлади.

ОЛОВ — ТИЛСИЗ ЁВ

Умримизга, мулкимизга даҳлдор

Кексаларимиз дуога қўл очганда, «Ўт балосидан, сув балосидан асрасин», дея юзларига фотиҳа тортишади.

Шўҳратилла УМАРОВ, Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ 28-ХЕХК кичик инспектори, сафдор.

маъқул. Бундай воситалар нафақат тез алағаланишни, балки ўзидан қўлаб зарарли моддаларни тез-тез шомоллатиб туриш керак. Печларнинг мўриларини йилга камида бир марта тазалаш зарур. Газ анжомлари ёнида бензин, керосин каби тез ёнувчан моддаларни сақлаш керак.

Мудҳиш ҳодисаларнинг олдини олиш жуда оқддий. Жумладан, газ анжомлари ўрнатилган хоналарни тез-тез шомоллатиб туриш керак. Печларнинг мўриларини йилга камида бир марта тазалаш зарур. Газ анжомлари ёнида бензин, керосин каби тез ёнувчан моддаларни сақлаш керак.

Болаларни назоратсиз қолдириш, уларнинг гултур ўйнашига йўл қўймаслик ҳам олов хавфидан озод этади. Болалар табиятдан қизиқувчан бўлишади. Шу боис кимёвий моддалар, қочуқ ва пластмассадан ясалган турли буюмларни уларнинг қўли етмайдиган жойда сақлаш

Фоалиятимизда яна бир ҳодиса кўп учрайди. Аксарият ёнғинларга носоз ёки қўлбола электр мосламаларидан фойдаланиш ҳам сабабдир. Баъзида ўйин ишати учун газ усқунларидан нотўғри фойдаланиш, унинг печларини ёқиб қўйиш ва назоратсиз қолдириш, резина инчалар ишлатишнинг оқибати янғиндир.

Шуниси муҳимки, ёнғин келтирган моддий зарарни қоплаш мумкин. Аммо у ўзимиз, яқинларимиз ва жондор хавфидан озод этади. Болалар табиятдан қизиқувчан бўлишади. Шу боис кимёвий моддалар, қочуқ ва пластмассадан ясалган турли буюмларни уларнинг қўли етмайдиган жойда сақлаш

Келтирилган моддий зарарни қоплаш мумкин. Аммо у ўзимиз, яқинларимиз ва жондор хавфидан озод этади. Болалар табиятдан қизиқувчан бўлишади. Шу боис кимёвий моддалар, қочуқ ва пластмассадан ясалган турли буюмларни уларнинг қўли етмайдиган жойда сақлаш

«Бобурнома»да келтирилган Фаркат, Сомсийрак жой номлари буғун фонетик жиҳатдан ўзгарган бўлса-да, ўз шакли шамойилини йўқотмаган. Ҳозир бу икки ҳудуд Паркент ва Сомсарак деб аталади. Ҳар бир жой номи маълум бир маъно ва мазмунни ифода қилади. Вақт ўтиши билан шакли ўзгариши табиий. Шу боис уларнинг асл маъносини сақлаб қолишда тарихий асарларнинг аҳамияти бекиди. Шундай маънавий қадриятларимиз борлиги тўғрисида сермазмун жой номларимиз асарлар оша яшаб келмоқда.

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ — АМАЛДА

Чиройли ва мустаҳкам мажмуалар — болажонларга

Маҳаллийлаштириш дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида ўтган йилнинг ўзида 455 та корхонада 1140 та лойиҳа амалга оширилгани улкан муваффақият ифодасидир.

Ю.ҲОЖИЕВА «Mahalla»

Шуниси диққатга сазоворки, дастурга асосан, мамлакатимизда спорт жиҳозлари ишлаб чиқариш ҳажми ҳам кенгаймоқда. Илгари хориждан келтирилган бундай маҳсулотларни бугун маҳаллий тадбиркорлар етказиб бераётгани эътирофга лойиқ. Шунинг ҳисобига болалар спорт объекти асосан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган спорт жиҳозлари ва усқунлари билан таъминланаётган. Айни пайтда 120 турдаги спорт анжомларининг 116 таси мамлакатимиз корхоналарида тайёрланмоқда.

Самарқанд туманидаги «Найзатеп» маҳалла фуқаролар йиғинида фаолият юритаётган корхонада чиройли дизайн ва юқори сифатга эга 100 дан ортиқ спорт буюмлари шуғулланувчиларга етказилапти. Спортсеварлар учун эшак эшиш қайиқлари, енгил атлетика, спорт гимнастикаси учун жиҳозлар тайёрлаётган корхонанинг истиқболдаги режалари ҳам бисёр.

— Яқинда гимнастика оти, трамплини, турли «кўприклар ишлаб чиқариш-

ни ҳам йўлга қўйдик, — дейди корхона мутахассиси Абдумалик Абдушукуров. — Маҳсулотларимиз жаҳон андозаларига тўла жавоб беради. Хошаёмизнинг аксарият қисмини маҳаллий маҳсулотлар ташкил этади. Мақсадимиз эзгу — фарзандларимиз спортга ошно тутишиб, соғлом ва боқувват, қатъиятли бўлиб вояга етишсин.

Соғлом бола — ота-онанинг энг улуғ орзуи, Ватанинг ишонган таянчидир. Уни тарбиялашда спортнинг ўрни бекиёс. Бугун мамлакатимизда 2 миллионга яқин бола спортнинг 30 дан зиёд тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Битта спорт иншоотидан ўртача кунлик фойдаланиш вақти 9,5 соатни ташкил этаётди.

Президентимиз жорий йилнинг 28 январь кuni Оксаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида таъкидланганларидек, «Болалар спорт объектиларини қуриш ҳеч қачон тўхтамайди. Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилади. Азиз болаларимиз камол топадиган бу мажмуаларни шундай чиройли ва мустаҳкам этиб қурайликки, бу биздан ўзига хос бир эътибор, уларга меҳримизнинг ифодаси бўлсин».



■ ЎЗА сурати.

ЖОЙ НОМЛАРИ — ҚАДРИЯТЛАР ТИМСОЛИ

Тарихий ҳақиқат кўзгуси

Ўзингиз яшайётган жой номи тарихи билан қизиққанмисиз? Нима учун шундай аталади, бунга бирор-бир сабаб борми?

Садоқат МАХСУМОВА «Mahalla»

Ёзма манбалар тарихий ҳақиқат кўзгусидир. Бундай ноёб асарлар орасида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома»си ҳам бор. Унда 500 дан зиёд жой номлари келтирилган. Уқувчи муталоа жараёнида ўша даврларда ўлкамизда жойлашган ҳудудларнинг нафақат номланишини, балки уларнинг географик ўрни, атрофдаги шохлар ҳақида ҳам кўплаб маълумотларга эга бўлади.

«Бобурнома»нинг тўққиз юз ет-

тинчи йил воқеалари бўлимида келтирилган боъзи жой номлари тарихий кўпчиликни бефарқ қолдирмайди. Қизғин, бўлимида қаламга олинган атамалар бугун ҳам мавжуд: «Дарёдан ўтиб, тун бўйи юриб, Пискентга келдик. Шайбохон ҳам Шохрўзия атрофларини талаб кетипти. У фурсатдан Пискент Мулло Хайдарнинг ўғли Абдулманнон эди».

Сўз кетаётган географик ҳудуд Тошкент вилоятида жойлашган бўлиб, ҳозир ҳам шу ном билан аталади. — Ҳозирги Окқўрган, Буқа, Олмалик, Оҳангорон ҳудудларини Пискент вилояти ўз ичига олган эди, — дейди Тошкент вилояти «Олтин ме-

рос» хайрия жамғармаси аъзоси Ориф Бискандий. — Буюк ипак йўли шу ҳудуддан ўтганининг ўзидек унинг катта тарихга эга эканини англашди. Қадимда Фарғона, Наманган вилоятларининг аҳолиси жуда зич яшаган. Ер силкинишлари сабабли одамларнинг тоғли қишлоқлари текисланиб, йўқ бўлиб кетган. Шундан сўнг бир-бирига қондош бир авлоддан бўлган 20 кишилик қабилла Давондон ўтиб, қўним топиш мақсадида йўлга тушишган. Улар сув бўйлаб келиб, Пискентнинг энг баланд тепалигига ўрнашган. Атрофларидан экин мойдонлари яратиб, ўтроқлашиб қолишган. Улар «Биз 20 хўжалик бўлдик» деган экан. Форс-тожик тилида 20 хўжалик «Бискент» деб аталади. Кейинчалик Пискент номи о-

ган бу маскан аҳолиси Бобур Мирзонинг бу юртда бўлганликлари ва жаҳонга машҳур китобиди улар истиқомат қилаётган жой номи келтирилганидан фахрланишади.

«Бобурнома»да келтирилган Фаркат, Сомсийрак жой номлари буғун фонетик жиҳатдан ўзгарган бўлса-да, ўз шакли шамойилини йўқотмаган. Ҳозир бу икки ҳудуд Паркент ва Сомсарак деб аталади.

Ҳар бир жой номи маълум бир маъно ва мазмунни ифода қилади. Вақт ўтиши билан шакли ўзгариши табиий. Шу боис уларнинг асл маъносини сақлаб қолишда тарихий асарларнинг аҳамияти бекиди. Шундай маънавий қадриятларимиз борлиги тўғрисида сермазмун жой номларимиз асарлар оша яшаб келмоқда.

Хурматли юртдошлар!
«Асака» банк (ОАЖ)

2014 йили «Соғлом бола йили»
деб эълон қилиниши муносабати
билан кўйидаги миллий ва мотадиги муддатли
янги омонат турини тақдир этади:

«ОҒЛОМ АВЛОД»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 24 ой бўлиб,
ҳисобланган фойзалар ҳар чоракда ёки
омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банкда 80 дан ортиқ
омонат турлари жорий этилган бўлиб, бу ҳақдаги маълумотларни
банк филиалларидан ёки банкнинг www.asakabank.com
расмий веб сайтдан олиш мумкин.

Мурожаат учун телсффонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар номи

Телефон рақамлари

Тошкент шаҳар филиали	371 120-83-13
Автотранспорт филиали	371 120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	371 140-39-36
Юнусобод филиали	371 221-80-67
Сирғали филиали	371 258-67-49
Тошкент вилоят филиали	371 120-84-13
Андижон вилоят филиали	374 224-40-96
Асака филиали	374 233-13-69
Фарҳод филиали	374 226-97-53
Фарғона вилояти филиали	373 224-70-83
Марғилон филиали	373 237-12-37
Олтиариқ филиали	373 432-10-11
Кўқон филиали	373 552-61-04
Наманган вилоят филиали	369 226-94-75
Навоий вилоят филиали	436 223-54-32
Зарафшон филиали	436 573-18-78
Бухоро вилоят филиали	365 223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365 770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366 231-08-86
Афросиёб филиали	366 221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	375 221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	376 770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361 770-60-59
Хоразм вилоят филиали	362 226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	367 225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372 226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади!

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўғрисида кафолатланади!
- эгаллик ва тасаруф ҳуқуқи ўз ихтиёригизда!
- миқдори чекланмаган!

«Асака» банк — сармоянгиз сақланишини ва кўпайишини кафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган.

Тузатиш

Газетамизнинг 2014 йил 19 февраль 16-сонида чоп этилган «Аҳоли фаол иштирок этди» сарлавҳали хабарнинг биринчи хатбошидаги «15-16 март» сўзлари «15-16 февраль» деб ўқилсин.



Mahalla

Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий,
маданий, маърифий газета

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:

Қабулхона: 233-39-89, Котибият: 233-44-25, Фуқаролик жамияти институтилари билан ишлаш бўлими: 199-84-32, Иқтисодиёт ва ҳуқуқ бўлими: 199-83-46, Маънавият ва спорт бўлими: 199-84-23, Факс: 233-10-73

Нашр кўрсаткичи: 148

25300 нусхада чоп этилди. Буюртма J-9217

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.



Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: И.Раҳматов
Нашр навбатчиси: Ш.Жабборов

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Топшириш вақти — 21.00

Топширилди — 21.00



ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ МАМЛАКАТНИНГ КЕЛАЖАГИ БУЮҚДИР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирлар, аввало шу муҳим масалаларни ҳал қилишга қаратилган.

Жорий йилда Давлат дастурини амалга ошириш жараёнида бу ишларнинг барчаси янада юқори даражага кўтарилди. Дастурда аввало ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, мустақил фикрлай оладиган, юксак интеллектуал салоҳиятли, чуқур билимли ва замонавий дунёқарошга эга, мамлакат тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир баркамол авлодини шакллантириш, давлат ва жамиятнинг барча куч ва имкониятларини ана шу мақсадларга самардорлиқ билан йиғинди олишга қаратилган.

Дастур етти бўлим ва 125 банддан иборат бўлиб, унда болалар туғилиши, таълим-тарбияси, оилада соғлом муҳитни, унинг иқтисодий ва маънавий-ахлоқий асосларини мустаҳкамлаш, ижтимоий соҳа ривожига ажратилаётган маблағлар самардорлигини ошириш билан боғлиқ барча масалалар ақс этган.

Биринчи навбатда, соғлом ва баркамол авлодини тарбиялаш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратишга қаратилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, янги қонда ва меъёроларни ишлаб чиқиш бўйича чора-тадбирлар белгиланган.

Сақикта қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш режалаштирилган. «Болаларни жисмоний ва маънавий ривожига зарарли таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида», «Аҳолининг санитария-эпидемиологик барқарорлиги тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», янги тахриридаги «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида» ва бошқа қонунлар шулар жумласидандир.

«Болаларни жисмоний ва маънавий ривожига зарарли таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида» қонунда болаларни уларнинг онгани бузувчи, руҳий жароҳат етказувчи ахборот таъсирини ҳимоя қилиш, оммавий ахборот воситаларида шафқатсизлик ва зўравонлик тарғибига йўл қўймайликни таъсирчан ташкилий-ҳуқуқий механизмлари кўзда тутилади.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида оилада меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳити, юксак ахлоқий ва маънавий қадриятларни барқарор қилиш, ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофазо қилиш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ўз иқти-

дорини рўйбга чиқариши учун зарур шароитлар яратиш, уларнинг қундалик рўзгор юмушларини енгилаштириш каби биринчи даражали вазифалар белгиланган.

Хотин-қизлар, болалар ва ўсмирларнинг сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида ҳар ойда соғломлаштириш ҳафталиклари ташкил этилди, шунингдек, мамлакатимиз етакчи тиббиёт муассасалари мутахассислари иштирокида олис туманларда яшовчи 145 минг нафар аҳоли чўқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилади.

Янги оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктлари, санатория-курорт объектлари барпо этиш, мавжудларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ишлари давом эттирилади.

Мамлакатимизда 130 маданият ва дам олиш марказларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўн бешта янги маданият ва истироҳат боғларини барпо этиш, мавжуд йиғирма тўққизта сонли реконструкция қилиш ва таъмирлаш режалаштирилган.

Маиший техника ишлаб чиқариш ва уни харид қилиш учун иштейвол кредитлари ажратишни кенгайтириш ҳисобига хотин-қизларнинг маиший шароитларини яхшилаш ва рўзгор юмушларини енгилаштиришга катта аҳамият берилмоқда. 194 тумандаги олис қишлоқларда гўзаллик саломи, тикувчилик, таъмирлаш устаноналари ва бошқа хизмат кўрсатиш корхоналаридан иборат намунавий маиший хизмат мажмуалари очилди.

Қишлоқ оилаларини замонавий ўй-жой билан таъминлаш, уларнинг турмуш даражаси ва сифатини юксалтириш борасидаги ишлар янги босқичга кўтарилди. 2014 йилда намунавий лойиҳалар асосида 11 минг яқка тартибдаги ўйлар қурилади. Икки минг ёш оилага ўй-жой қуриш ва мамлакатимизда ишлаб чиқорилган узок муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш учун фоизсиз ссудалар берилди. Туманлар марказлари ва қишлоқларда сув таъминоти ва канализация тизимларини яхшилашга доир қатор янги лойиҳалар амалга оширилди.

Жорий йилда соғлом фарзандлар туғилиши ва уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш учун шарт-шароитларни янада яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди. МДҲ мамлакатларида ўхшаши бўлмаган замонавий кўп тармоқли болалар марказини (IV даражали) қуриш ва уни юқори технологик тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш кўзда тутилган. Республика ихтисослашган педиатрия илмий-амалий марказининг қатор бўлинмалари, Таш-ПТИ клиникалари, 13 вилоят кўп тармоқли болалар тиббий марказлари, 62 туман тиббиёт бирлашмалари ва бошқа тиббий ва тиббий-ижтимоий муассасалар

қурилади ҳамда тубдан таъмирланади. Уларнинг барчаси замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланади, бу болаларга жаҳон стандартлари даражасида ихтисослаштирилган юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш имконини беради.

Аҳолининг санитария-эпидемиологик барқарорлигини таъминлашнинг энг самарали воситаларидан бири юқумли касалликлар профилактикаси. Шу мақсадда турли инфекцияларга қарши янги динналашнинг босқичма-босқич жорий қилиниши ҳисобга олиб, болаларни эмлаш дастурини такомиллаштириш зарур. Миллий эмлаш тақвими асосида континентнинг қамда 97 фоизини қамраб олган профилактик вакцинация қилиш кўлами кенгайтирилади.

Йил давомида мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва ўқувчиларнинг 6,6 миллионга яқини чўқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилади, таркибида йод моддаси бўлган дори-дормонлар воситасида соғломлаштирилади. Қишлоқларда яшайдиган оналарнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида 400 минг нафар хомилдор оёқ махсус поливитаминлар билан бепул таъминланади.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базасини босқичма-босқич мустаҳкамлаш, шу жумладан, уларни тубдан таъмирлаш ва жиҳозлаш, янгиликларни қуришга йўналтирилган аниқ вазифалар белгиланган. Болаларни мактабга тайёрлаш бўйича мутлақо янги дастурларнинг ишлаб чиқиши ва жорий этилиши белгиланган бўлиб, улорда болаларнинг ақлий, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланиши кўзда тутилган.

«Баркамол авлод» болалар марказларини шакллантириш дастурини амалга оширилиши жараёнида 66 шундай марказлар тубдан таъмирланади ва жиҳозланади. Бу болаларни ижодга, шу жумладан, техник ижодий ишларга янада кенг жалб қилишга кўмаклашади.

Бошланғич синфларда ўқитиш сифатини янада кўтариш чоралари белгиланган. Жумладан, 1-4 синф ўқувчилари учун ўқув дастурлари ва дарсликларнинг қайта кўриб чиқиши, шунингдек, ўқувчилар учун тегишли услубий қўлланмалар ишлаб чиқиши назарда тутилган.

2014/2015 ўқув йилида 2,6 миллион ўқувчи 575 номдаги 25 миллион нусха дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмалар билан таъминланади.

«Миллий умумтаълим электрон кутубхона» лойиҳасининг амалга оширилиши ҳам болаларнинг интеллектуал ривожланишига кўмаклашади. Лойиҳада турли билим олишга оид ва ўқув материалларини электрон форматта ўтказиш

маркази, мультимедиа ахборот ресурслари маркази, шунингдек, интеграциялашган ахборот-кутубхона тармоғи ташкил этилиши, Ўзбекистондаги барча ахборот-кутубхона муассасаларининг 2020 йилгача ушбу тармоққа уланиши мўлжалланган.

Мамлакатимизда ота-она меҳридан маҳрум ва имконияти чекланган болаларга алоҳида гам-хўрлик кўрсатиб келинмоқда. 2015-2017 йилларда Меҳрибонлик ўйларини ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ва мактабгача тарбия муассасаларининг моддий-техник базасини босқичма-босқич мустаҳкамлаш, ривожланган давлатларнинг илғор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ўқув-тарбия жараёнини тубдан такомиллаштириш чоралари қурилади.

Бу йил режалаштирилган қатор қизқарлик тадбирлар ўқувчиларнинг ақлий, ижодий ва спортга оид лавқатларини ривожлантиришга қаратилган. Наманган вилоятида ўтадиган «Баркамол авлод» спорт ўйинлари, болалар ижодий республика фестиваллари, «Она юрт наволари» халқ чолғу асбоблари халқаро танлови, «Энг ёш ихтирочи» танлови ва бошқа тадбирлар шулар жумласидандир.

Давлат дастурида 60,1 мингта ўқув ўринга мўлжалланган 380 умумтаълим мактабларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш, уларни компьютер техникаси, ўқув-лаборатория жиҳозлари ва бошқа ускуналар билан таъминлаш белгиланган. Бундан ташқари, 161 касб-хунар коллежи ва академик лицей, 48 болалар мусика ва санъат мактаби, 110 болалар спорт объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва тубдан таъмирлаш режалаштирилган.

Мамлакатимизда болаларнинг чет тилларни ўрганишига катта эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда мактаблардаги чет тиллари хоналарини замонавий ахборот-коммуникация ва техника воситалари билан жиҳозлаш кўзда тутилган.

Бошланғич синф ўқувчиларини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш давом эттирилади. Жумладан, 586,9 минг нафар биринчи синф ўқувчиларига ўқув жиҳозлари тўпламлари ва 6,5 миллион нусхадаги дарсликлар, умумтаълим мактабларининг 500 мингдан ортиқ 2-синф ўқувчиларига чет тиллар бўйича мультимедиа иловали дарсликлар бепул берилди.

Эзи таътил даврида болаларнинг ҳордиқ чиқариши ва бўш вақтларини мазмунли ўтказишни таъминлаш мақсадида соғломлаштириш оромоҳларига 280 минг нафар ўил-қиз имтиёзи, 35,7 минг нафари бепул йўлланмалар билан таъминланади.

Тошкент ва Термиздаги ҳайвотот боғларининг, Тошкентдаги ботаника боғининг реконструкция қилиниши, Самарқанд ва Фарғо-

нада Тошкент ҳайвотот боғи филиалларининг очилиши, Зарафшон шаҳрида аквапарк қурилиши, шунингдек, Республика кўғирчоқ театри ва «Томоша» болалар мусикали театр студиясининг капитал таъмирдан чиқарилиши мўлжалланган.

Халқимизга хос бағрикенглик, муҳтожларга кўмак бериш каби фазилатларни ақс эттирувчи кўлаб тадбирларни ўтказиш режалаштирилган. Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан кам таъминланган оилалар фарзандларига 516,9 минг тўпламдаги киши кийим ва 3,1 миллион нусхада дарслик, ўқув қуроллари бепул берилди. Меҳрибонлик ўйларини тарбияланувчилари ва кам таъминланган оилалар фарзандларини халқимизнинг бой тарихий ва маданий мероси билан таништириш мақсадида Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларига бепул соёхатлар, шунингдек, музейлар, ҳайвотот ва ботаника боғларига экскурсиялар ташкил этилди.

2014 йил ноябрь ойида Тошкентда «Бола учун ижтимоий шериклик: миллий ва хорижий илғор тажриба» мавзусида халқаро форум ўтказилди.

Мамлакатимиз учун долзарб ўшбу вазифаларни оилалар, мактаблар, соғлиқни сақлаш тизими, давлат ва жамоат ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ўзаро ҳамкорлигида амалга ошириш мумкин.

Давлат дастурида соғлом болани тарбиялашда, оилаларга, биринчи навбатда, ёш оилаларга ўз вақтида ва манзилли моддий ҳамда маънавий кўмак беришда маҳалла институтининг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга, ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган эзгу ишларнинг рўйхатини яна узок давом эттириш мумкин.

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, биз таянчимиз ва сўянчимиз, гуруримиз ва ифтихоримиз бўлиши болаларимизга, фарзандларимизга ишонч билан, ҳурмат-эътибор билан қарашни келажакимизга бўлган ишонч, миллатимизга, халқимизга бўлган ҳурмат-эътибор имодаси, деб биламиз.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури бунинг яна бир ёрқин тасдиғидир. Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган тадбирларга 4 509,2 миллиард сўм ва 302,9 миллион доллар миқдорда маблағ йўналтирилади. Мазкур дастурнинг бажорилиши мамлакатимиз учун асосий мақсади инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислохотлар йўлида навбатдаги муҳим қадам бўлади.

Ў.А.

ВАТАНГА ХИЗМАТ — МУҚАДДАС БУРЧ

Шараф ва қувончга айланган лаҳзалар



Йили қунарда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида йиғитларни ҳарбийга кузатиш ва хизматни ўтаб қайтганларни қутиб олиш каби қувончли маросимлар бошланди. Жиззах вилоятининг Зарбдор тумани Бўстон шаҳарчасидаги «Шодлик» маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам бу тадбирлар мазмунли ўтказилмоқда.

Бекназар МАМИРОВ, Жиззах вилояти Зарбдор тумани Бўстон шаҳарчасидаги «Шодлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Энг яхши маросимга айланди. Уни мазмунли ва катта тантана билан ўтказишга ҳаракат қиламиз. Айниқса, ҳар йили мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафига хизматга навбатдаги қаҳриқ довомида ҳамда Ватон ҳимоячилари кучи олдидан ўтказиладиган Ватанпарвар ойлигида ёшлар ўртасида турли маърифий тадбирларни уюштиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Уларда ота-оналар, маҳалла фаоллари, жамоатчилик вакиллари, меҳнат ва уруш фахрийларининг иштироки таъминланиб, туман бадий жамоаларининг концертлари ташкил этилаётди.

Ўтган йили маҳалламиздан тўрт нафар йиғит мuddатли ҳарбий хизматга кетган бўлса, жорий йилда яна тўрт нафар ёш қаҳирув комиссияси қуригидан муваффақиятли ўтиб, бурчинга ўташга олтиди. Шунингдек, саркиз нафари йиғит сафарбарлик резерви қаҳирув хизматига тайёрланмоқда.

Кейинги йилларда маҳалламиздан ҳарбий хизмат ўтаганларнинг икки нафари олий ўқув юртига ўқишга кирди. Яна икки нафари йиғит эса мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг вилоят кенгаши қошидаги мактабда автомобиль ҳайдовчилиши ва чавандозлик бўйича ўқишни тугатиб, хизматга кетишди.

Азизбек Абдуллаев ҳарбий имтиёзга эга бўлиб, Жиззах давлат педагогика институтига ўқишга кирди. Шавкат Исмоилов эса ички ишлар тизимига ишга қабул қилинди.

Эндилдаги оскарларни кузатиш ва қутиб олиш фақат бир оиланинг эмас, бутун маҳалланинг

сод мужассам. Асосан ҳуқуқ-тартибот идоралари, шунингдек, давлат ва жамоат ташкилотлари, маҳаллалардан алоҳида масъуллиқни талаб этидиган мазкур тадбирлар ёшларнинг нафақат ҳуқуқий юксалишига, балки бугунги кунда фарзандларда халқимизга мутлақо ёт бўлган турли қилмилар ва таъсирларга қарши мустаҳкам мафкуравий иммунитетни шакллантиришга ҳам хизмат қилади.

Президентимизнинг мазкур қарори доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар ёшларимизнинг улкан салоҳиятини ҳар томонлама рўйбга чиқариш учун уларнинг илм-фан, техника, ахборот технологиялари, маданият, санъат, спорт, тадбиркорлик каби соҳалардаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ишларини янада кучайтиради. Юртимизда кучли ёшлар сиёсатини тўлақонли юритиш давлат ва жамоат тузилмаларининг ижтимоий шериклигини ҳам мустаҳкамлайди, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада қуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси доирасидаги ислохотларни жодлаштириб, ёш авлод тўғрисида гамхўрлик қилишдек устувор мақсадларга етказди.

БУГУННИНГ ГАПИ

Юксак маънавиятли, мустақил ва эркин ёшлар — юрт иқболи, келажакдир

Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида биринчи навбатда, йиғит-қизларимизнинг олижаноб интилизларини рўйбга чиқариш, жамиятимизнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ривожланишига тўлақонли иштирокини таъминлаш долзарб вазифа.

Президентимизнинг жорий йилнинг 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори айнан шу мақсадга йўналтирилган ҳамда шиддат билан ўзгариб бораётган замон талабларидан келиб чиқилган ҳуқуқий эҳтиёжлар. Ушбу қарорда белгиланган устувор вазифалар мамлакатимизда юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодини вояга етказиш мақсадидаги давлат сиёсатини изчил давом эттиришни назорда тутди.

Мазкур қарор асосида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат

сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастурида мустаҳкамланган вазифаларнинг юқори савияда ва белгиланган муддатларда амалга оширилишида бевосита Ақлий вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларининг ҳам алоҳида масъулияти бор. Дастурнинг илк бандларидан ўрин олган долзарб масала — «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонуннинг янги тахриридаги лойиҳасини ишлаб чиқиш шулар жумласидан. Ушбу қонун лойиҳасининг пухта ва демократик тамойиллар асосида тайёрланиши учун аниқ механизмларда иш юритиш доркор. Бунда, аввало, масъул ташкилот вакилларидан иборат ишчи гуруҳи тузилиб, халқаро тажрибаларни пухта ўрганишнинг аҳамияти катта. Қолаверса, қонуннинг янги тахриридаги лойиҳасини ишлаб чиқишда жамоатчилик фикрини инобатга олиш, бунга жойларда муҳокама этиш ҳам қонуннинг демократик андозалар асосида бунёдга келишини таъминлайди.

Мамлакатимизнинг жаҳон майдонига нуфузини ошириш, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги мақсад-муддосларимиз



нинг тўлақонли рўйбга чиқариш кўп даражада ёшларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини, сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга боғлиқ. Шу сабабли ёш авлоднинг замонавий дунёқарошани, ижодий ва шахсий ҳусу-сиятларини миллий ва умуминсон

ний қадриятлар асосида шакллантириш, юртимизда амалга ошириладиган ислохотлар моҳиятини аниқлаштириш учун замин ҳозирлаш, ҳуқуқий онгини ривожлантириш энг устувор вазифалар сира-сидандир. Юқоридаги Дастурда «Ватон келажакни сенинг қўлингдан»

тарғибот лойиҳасини жорий этишдан кўзланган мақсад ҳам шу аслида. Барча олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда ташкиллаштирилиши мўлжалланётган тарғибот тадбирларининг ҳар бир йўналиш бўйича тайёрланиши,

Ў.А.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Вазифалар ижроси, фаолият такоммили — даврнинг талаби



Анвар АХМЕДОВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси, сенатор
— Обод турмуш йилида фуқаролар йиғинлари фаолияти-

га оид иккита муҳим ҳуқуқий ҳужжат, яъни янги тахрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунлар, соҳага доир Президентимиз ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларга мувофиқ, 17 та Низом, шундан фуқаролар йиғинлари фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича 8 та комиссиянинг Намунавий низомлари тасдиқланди.

Таъкидлаш жоизки, 2013 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида янги тахрирдаги «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунда

белгиланган талаблар ҳамда демократик тамойиллар асосида ўтказилган сайловларда 9756 нафар (бир ўринга ўртача 3,3 нафар номзод) фуқаролар йиғинларининг раиси ва уларнинг 99 минг 618 нафар маслаҳатчиси сайланди.

Ушбу муҳим ижтимоий-сиёсий жараёнларда 4548 нафар (46,6 фоиз) фуқаролар йиғини раиси, 46 минг 971 нафар (47,2 фоиз) раис маслаҳатчиси биринчи марта сайланди.

Бугунги кунда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини услубий-амалий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келмоқда. Жумладан, ўтган йили Давлат дастурининг мазмун-моҳияти ҳақида маҳаллаларда 80 мингдан зиёд давра суҳбатлари

ташkil этилди. Шунингдек, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда диний экстремизм, миссионерлик ҳамда ақидапарастликка барҳам беришга қаратилган 21 мингдан зиёд тадбирлар ва мулоқотлар уюштирилди.

Фуқаролар йиғинлари ходимлари учун 4 та услубий тасвия ва 8 та оммабоп рисола тайёрланди. 2012 йилда Самарқанд шаҳрида ўтказилган халқаро давра суҳбати материаллари тўплами уч тил (ўзбек, рус, инглиз)да chop этилиб, фуқаролар йиғинларига тарқатилди.

Шунингдек, ўтган йили 1024 та фуқаролар йиғини биноси реконструкция қилинди, 95 та янги маҳалла гузори борло этилди. 2489 таси замонавий компьютер жамланмаси, 1493 таси мебель жиҳозлари билан таъминланди,

300 тадан ортқ бино фуқаролар йиғинлари балансига расмиийлаштириб берилди.

Айни пайтда янги тахрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, фуқаролар йиғинларида «Маслаҳат марказлари» фаолияти йўлга қўйилиб, ҳудудларда тадбиркорлик билан шуғулланиш истагидаги фуқаролар учун қисқа муддатли курслар ташкил этиляпти. Уларда ишбилармонлар учун мавжуд имтиёз ва преференциялар ҳақида маълумот бериш, ёшларни ишга жойлаштириш каби қатор ишлар бажариламоқда.

Албатта, бундай амалий сарф-ҳаракатлар маҳаллалар фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.



Эркин РЎЗМЕТОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси:

— Қўмитамиз «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан биргаликда тизимли равишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид амалдаги қонунлар ижросини назорат-таҳлил тартибда ўрганиб бормоқда. Соҳага тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни аҳоли, айниқса, йиғин фаоллари ўртасида кенг тарғиб қилиш ва тушунтириш мақсадида семинарлар, давра суҳбатлари ва конференциялар ташкил этилаётди.

Сўнгги тўрт йил мобайнида республикамизнинг 6 та вилоятида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид қонунларнинг ижро этилиши ўрганиб чиқилди. Қўмита

аъзолари ҳар бир вилоятда 200 дан ортқ фуқаролар йиғинларига ташриф буюриб, маҳалла ходимлари билан суҳбатлашдилар.

Унинг натижалари қўмита ва халқ депутатлари вилоят Кенгашларининг қўшма мажлисларида муҳокамадан ўтказилди. Аниқланган камчиликлар, мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шу билан бирга, 2013 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида ўтган сайловларда 9756 нафар фуқаролар йиғини раисининг 47 фоизга яқини ушбу лавазимга биринчи марта сайланганини инобатга олиб, уларга янги тахрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар мазмунини тушунтиришга алоҳида эътибор қаратиш керак.

Айниқса, қонунга асосан эътижманд фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш, шунингдек, кам таъминланган келин-қўвчаларга низоҳ тўйларини ўтказишда моддий ёрдам кўрсатиш, ҳудудда жойлашган тадбиркорлик субъектларига, шу жумладан оилавий тадбиркорларга кредит олишда қўллаб-қувватлаш, энг муҳими, улканнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши, шунингдек, қўмита билан соҳага оид хизматлар сифати тўғрисида жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича фуқаролар йиғинларида берилган қўшимча воқолатлардан тизим мутоасадиларининг тўғри фойдаланиши ҳақида маҳаллаларнинг жамоатчилик ҳаётдаги мавқеини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.



Зафар РЎЗИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинг институтининг етакчи илмий ходими, юридик фанлари номзоди:

— Дарвоқе, бугун жамоатчилик ҳаётида фуқаролар йиғинлари эътиборидан четда қолаётган масала йўқ. Айниқса, бу борада фуқаролар йиғинларининг жамоатчилик асосида фаолият юритаётган асосий комиссиялари ишини тўғри ташкил қилиш яхши самара беради.

Комиссиялар фаолияти янги тахрирдаги қонуннинг 18-моддаси билан тартибга солинган. Унга кўра, фуқаролар йиғинларида асосий йўналишлар бўйича 8 та комиссия тўзилади. Бундан ташқари, тегишли ҳудуддаги муаммоларнинг долзарблигига қараб бошқа комиссиялар ҳам тўзилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 274-сонли қарори билан муҳокама этилаётган комиссияларнинг Намунавий низомлари тасдиқланди.

Намунавий низомлар бевосита йиғиннинг асосий йўналишлар бўйича комиссияларнинг фаолиятини тартибга солади.

Комиссиялар фуқаролар йиғини томонидан йиғин раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловидан сўнг бир ой ичида тўзилиши белгиланган. Шунга мувофиқ, ҳозирда республикамиздаги барча фуқаролар йиғинлари ўз низомларини ишлаб чиқиб, амалиётга тўлиқ таътиб этмоқда.

Комиссияларнинг таркибига бевосита ўзларининг фаолияти йўналишларидан келиб чиқиб, жойлардаги давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, ҳаётий тажрибага, аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга ҳамда ўзининг тарбиявий таъсирини ўтказо оладиган фаол фуқаролар, шу жумладан ташаббускор ёшлар киритилиши унинг қамровини янада кенгайтиради.

Бир сўз билан айтганда, жамоатчилик асосидаги комиссиялар йиғинлар фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

(Давоми. Боши 1-бетда.)



Фаридаҳон АРАББОВА,
Андижон вилояти Пахтаобод туманидаги «Юқори» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, сенатор:

— Тизим фаолиятини самарали ташкил этишда фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларининг ҳам алоҳида ўрни бор.

Айни пайтда республикамиз бўйича 8500 нафардан ортқ ана шундай маслаҳатчилар ҳудудлардаги аҳоли, биринчи навбатда, ёшларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ибратли миллий, диний ананалар ҳамда урф-одатларни сақлаш ва ривожлантириш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ҳамда миллатлараро дўстлик ва ҳамжihatлиқни мустаҳкамлашда тизимли фаолият олиб боришмоқда.

Вилоятимизда 864 нафар маслаҳатчининг фаолияти Фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси фаолияти тўғрисидаги Намунавий низомда белги-

ланган талаблар асосида ташкил этилган.

Улар ҳудудда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда, ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда фуқаролар фаолиятини оширишга кўмаклашишмоқда.

Обод турмуш йилида, шунингдек, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, хотин-қизларнинг маънавий-маърифий билимларини ошириш мақсадида вилоят миқёсида 10 та илмий-амалий конференция ва ўқув-семинарлари ташкил этилди.

Ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлигини янада кучайтириш, «Ота-оналар университети» фаолиятига кўмаклашиш каби вазифаларни амалга оширишдек масъулиятли ишларни баҳоли қудрат уддалашга интиляпти.



Сотиболди БОБОҚУЛОВ,
Тошкент шаҳар Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув-курслари раҳбари:

— Маҳалла фаолларининг касбий маҳоратини ошириш, ҳудудларда тинчлик ва фаровонликни таъминлаш, асосий фаолият йўналишлари бўйича комиссиялар ишини мувофиқлаштириш, соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти билан ақиндан таништириш ва уларни амалиётда самарали қўллаш бугуннинг долзарб вазифаларидандир.

Шу мақсадда Президентимизнинг 2013 йил 10 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув-курсларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузурда давлат тоълим муассасаси шаклидаги Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш орган-

лари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув-курслари фаолияти йўлга қўйилди.

Маълумотларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий билимини кучайтириш билан бирга, соҳа вакиллари зиммасига юкланаётган янги вазифаларни ҳаётга самарали таътиб этиш бўйича ҳам зарур ёрдамлар кўрсатиш кўзда тутилган. Жумладан, ёшларни касбга йўналтириш, кичик ва хусусий тадбиркорликни, оилавий бизнесни ривожлантириш, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, жамоатчилик назоратини, табиати муҳофазаси қилишни ташкил этиш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, жамоатчилик ва оқсоқолликни таъминлаш бўйича бошқарув кўникмалари янада мустаҳкамланади.

Ўқув-курслари режа-дастурлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Давлат бошқарув академияси томонидан тасдиқланди.

Ҳар ойда 4 та гуруҳда 25 нафардан жами 100 кишининг малака ошириш кўзда тутилган. Маълумотлар тугагандан сўнг тингловлар суҳбат ёки тест синовини ўтадилар.

Жорий ойнинг 24 сонасида бошланган маълумотларнинг самардорлигини таъминлаш учун ўқитишнинг замонавий шакли ва услубларидан, илгор педагогик, ахборот-коммуникация ва инновация технологияларидан унумли фойдаланилади.



Жавдат ИНОФОВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раиси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар худудий кенгаши раиси ўринбосари:

нинг натижалари ҳақида мутахассислар батафсил фикр билдиришди. Уларга қўшимча тарзда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашлар ҳақида гапирмоқчиман. Чўки ушбу йўналиш тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Фуқаролар йиғинлари фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, қонун ҳужжатларида белгиланган воқолатларнинг амалга оширилишига кўмаклашиш, улар фаолиятдаги муаммоларни комплекс ўрганиш ва тизимли ҳал қилиш юзасидан асосланган тақлифлар ҳамда таъсирчан механизмлар ишлаб чиқиш мақсадида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар кенгаши ташкил этилди.

Кенгашнинг ишчи органи сифатида Фонднинг Тошкент шаҳар бўлими томонидан йиғилишларда маҳаллалар фаолиятига доир муаммоларни ҳал этиш билан бирга, уларнинг меҳнат шоронини яхшилаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида ҳам муайян ишлар бажариламоқда.

Обод турмуш йилида пойтахтимиздаги 369 та фуқаролар йиғини ўз балансидидаги бинога эга бўлди. «Намунали маҳалла» дастури доирасида 14 та янги гузар қурилди. Бу ишлар жорий йилда ҳам изчил давом этирилади.

Кенгаш фаолиятида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш масалалари муҳим ўрин тутди. Айниқса, фуқаролар йиғинларининг аҳоли ва ёшлар ҳуқуқий онги, моданятини янада юксалтириш, ҳудудда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш устувор вазифа ҳисобланади.

Кенгашнинг белгиланган вазифаларини амалга оширишда туман ишчи органи асосий бўлибди. Шаҳар ишчи органи томонидан туман ишчи органларида маҳаллаларнинг жамоатчилик комиссиялари ҳақида маълумотлар базасини шакллантириш лозим. Айни пайтда, пойтахтимиздаги маҳаллаларнинг комиссиялари фаолиятини такомиллаштириш борасида аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

■ Давра суҳбатини «Mahalla» муҳбири Толибжон НИЗОМОВ ёзиб олди.

МУЛҚДОР ОИЛА

Ҳамёнбоп ва харидорғир маҳсулот

— Давлатимиз томонидан бу соҳа қўллаб-қувватланаётгани мендаги ишонччи, интилишни кучайтирди, — дейди Х.Ҳафизов. — Айниқса, фаолиятимизни самарали олиб бориш ва юксалтиришда Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун мавжуд шарт-шароит ҳамда имкониятлардан унумли фойдаланишимизга, оиламиз аъзоларининг даромади ортишига асос бўлаётди.

Айни пайтда «Муқаддас файз мебель» корхонасида харидорларга 15 турдаги уй жиҳозлари тақдим этилмоқда. Маҳаллий хомашёлардан тайёрланаётган ушбу маҳсулотлар дизайни, ҳамёнбоплиги, чидамлилиги ҳамда замон талабларига тўла мос келиши билан эътиборни тортади. Шу боис ҳам уларга бўлган талаб кун сайин ортиб бораётди.

Бундан ташқари, ишби-

лармон ҳудуддаги касб-хунор коллежи билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатган. Коллеж ўқувчилари мазкур корхонада «Ўстоз-шогирд» йўналишида хунор ўрганиб, маҳоратларини ошираётдилар. Қолаверса, ўтган йили ўз иқтисоди ва қобилиятини намойён эта олган 4 нафар ёш ишга қабул қилинди.

— Худудимизда оилавий тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйганлар талайгина, — дейди «Қорасарой» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Дилшод Нобиев. — Улар нафақат оиласи фаровонлигини таъминлаётдилар, балки юртимиз иқтисодий салоҳияти, аҳоли турмуши ва бондлик даражасининг ошишига ҳам хисса қўшмоқдалар.

Ўрт равнақи, халқ фаровонлиги йўлида самарали меҳнат қилаётган мазкур оилавий корхона аъзолари айни пайтда аҳоли эътижига мос ҳамда экспортбоғ маҳсулотлар ишлаб чиқариш режаси устида ишланмоқдалар.



«ROLLING TIME»нинг ишончли қадамлари

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодийнинг барқарор ўсиши ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан. Янгиликларнинг юқори суръатда жорий этилиши, технологик ўзгаришларнинг ҳаракатчанлиги, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бандлик даражасининг юксалиши, давлат фойдасига солиқ тушумлари шаклидаги катта маблағлар олиш имконияти — буларнинг барчаси кичик корхоналарнинг республикамиз иқтисодийтига қўшган ҳиссасини ташкил қилади.

■ **Ёқутхон ПЕРИМКУЛОВА,**
«Rolling time» қўшма корхонаси масъулияти чекланган жамияти директори.

Айнан шунинг учун ҳам кичик бизнес бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодийтининг катта аҳамиятга эга сектори сифатида эътироф этилмоқда.

«ROLLING TIME» қўшма

корхонаси масъулияти чекланган жамиятининг фаолияти макрон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга иктисослашган.

Тураржойга оид бўлмаган фонд — қурилиши тугатилмаган бинога эга бўлиш, шунингдек, тез тайёрланадиган угра ишлаб чиқариш ва уни қадоклаш учун хомашё сотиб олиш мақсадида Миллий банкнинг Саёҳат филиалига мурожаат қилди.

Тақлифларимиз ва технологик-иқтисодий асосларимиз банкнинг малакали ходимла-

ри томонидан қисқа муддатларда қўриб чиқилди. Натижада бизга 400 млн. сўм микдорда кредит берилди.

Бугунги кунда «ROLLING TIME» ҚК МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар мамлакатимиз ички бозорини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдиришга хизмат қилаётди. «Роллино» савдо белгиси нафақат Тошкент шаҳрида, балки юртимизнинг барча вилоятларида ҳам танилиб улгурган. Корхона янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўли билан мунтазам равишда асортиментни ўзлаштиришмоқда ва кенгайтиришмоқда. Ҳозирда «Роллино» товуқли, «Роллино» гўшти тез тайёрланадиган уграи 60 гр. брикетларда ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Маҳсулотимиз кичик дуконлардан тортиб, йирик супермаркетларга чўкун даяри барча савдо нуқталарида сотилмоқда.

Юқори сифатли маҳсулот-

ни таъминловчи илгор технологияни қўллаш «ROLLING TIME» ҚК МЧЖга ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини йилдан-йилга ошириб бориш ва мазкур бозорда пешқадам бўлиш имкониятини бермоқда. Хусусан, корхонамизнинг 2013 йилда сотилган маҳсулотдан олган даромади 175,5 млн. сўмни, ўсиш суръати эса 100 фоизни ташкил қилди.

Муҳими, бу ерда қўшимча равишда 27 та янги иш ўрни яратилди. Уларда асосан касб-хунор коллежини тамомлаган иқтидорли ёшлар иш билан банд.

Бир сўз билан айтганда, Миллий банкнинг кредит маблағларини ўзлаштириши натижасида «ROLLING TIME» ҚК МЧЖ ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни сотишдан олган даромад кўрсаткичларини оширди. Корхонамизга молиявий кўмак бергани учун Миллий банкдан миннатдоримиз.

